Ким бир кунда юз маротаба «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳ», деб айтса, гуноҳлари денгиз кўпигичалик бўлса ҳам, кечиб юборилади», дедилар

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ким бир кунда юз маротаба «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳ», деб айтса, гуноҳлари денгиз кўпигичалик бўлса ҳам, кечиб юборилади», дедилар.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу ҳадиси шарифда ким бир кунда юз маротаба «Субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳ», деса хатолари денгиз тўлқинга учраганда ҳосил бўладиган оқ кўпикларчалик кўп бўлса ҳам ўчирилиб, кечирилиб юборилиши ҳақида хабар бермоқдалар.

http://sunnah.global/hadeeth/uz/show/5516